

АҚЛЛИЛИК БАЛОСИ

Тшунмайман, ҳайратдаман... Мени афв этинг,
Эшитсам ҳам мазмунини уқиб етмайман.
Гўё ҳамма менга ҳануз тшунтирмоқчи,
Ниманидир кутмоқдаман... фикрим паришон.

(Ҳаяжон билан...)

Эй, кўр толе! Шунча тортган машаққатларнинг
Мукофотин мен кимлардан қидирган эдим?
Шошдинг, учдинг, қалтирадинг, бахт яқин, дединг.
Ҳалигача ким олдида шунча тавозе,
Шунча ҳирсу ҳавас билан икки букилиб,
Энг мулойим сўзларимни айладим исроф!
Сиз бўлсангиз, ё тавба-ей, кимни танлабсиз,
Мендан ортиқ кўрганингиз шуми, таажжуб?
Нега мени умид билан овунтирдингиз?
Нега менга тўппа-тўғри айтмадингизки,
Ҳалигача тамом ўтган бу можаролар
Ҳазилкашлик, эрмак учун бўлган эди, деб?
Хотираси ёдингиздан ўчган у ҳислар,
Қалбимизнинг баб-баравар зарби ва ишқим,
Гарчанд сиздан йироқларга кетган бўлсам ҳам,
На маконнинг ўзгариши, на ҳою ҳавас
Менда бўлган муҳаббатни совута олди:
Мен бу ҳислар билан доим боғланиб қолдим;
Шу ҳислардан нафас олдим, унда яшадим.
Менинг шундай кутмаганда етиб келишим,

Феъл-атворим, сўзлар сўзим ва тароватим,
Сизга жирканч кўринишин айтсангиз эди,
Шу ондаёқ алоқани узган бўлардим.
Бир умрлик бу ҳижронни олдиндан билсам.
Кўнгул қўйган одамингиз ким экаини—
Билиш учун овора ҳам бўлмасдим мунча!

(Пичинг билан...)

Сиз у билан ярашингиз, пухта ўй билан,
Ўз-ўзига озор бериш нимага лозим.
Бир амаллаб тегиб олгач, ўйлаб кўринг-а,
Эрингизни сақлайсиз ҳам, йўрғаклайсиз ҳам
Ва истаган юмушларга югуртирасиз.
Эр— югурдак, эр— хизматкор ва хотинига—
Навкар бўлиш Москвадаги бутун эрларнинг
Мақсадлари ва энг олий ғоявий аъмол,
Етар ортиқ!.. Сизнинг билан ажрашганимдан
Олам-олам қувонаман, гурурланаман.
Сиз бўлсангиз, жаноб ота, рутба хариси...
Беҳабарлик бахти билан мудрай берингиз;
Қўрқманг, сизга зовчи бўлиб озор бермайман.
Бошқа куёв топилади, мўмин, мулойим,
Хуштавозе, ишбилармон, пухта, корчалон
Ва ниҳоят бутун фазлу камоли билан
Ўз бўлажак қайнатасин асл нусхаси.
Шундай қилиб, ҳушёр тортдим энди тамоман,
Тафаккурлар кўздан учди, парда йиртилди:
Эндиликда чакки бўлмас эди бир қатор
Қизига ҳам, қиз ўстирган отасига ҳам,
Ўша аҳмоқ хушторига ва жаҳонга ҳам
Бу қайғуни, бу аламини ағдариб чиқсам.
Мен ким билан бўлдим? Тақдир қайга судради?
Ҳамма қувлар, ҳамма қарғар, золим оломон,
Муҳаббатга хиёнаткор, ёвликка бемисл,
Бўҳтонкорлар ва тийиқсиз афсоначилар,

Тутуриқсиз ақлфуруш, маккор содалар.
Айбжў кампирлар ва аслда пуч, бўлмагур
Уйдирма гап тўқигувчи қалтироқ чоллар —
Ҳаммангиз баб-баравар жўр овоз бўлиб,
Мени жинни, тентак атаб шарафландингиз.
Тўғридан ҳам, сиз ҳақлисиз, кимки сиз билан
Биронта кун яшасаю ва сиз яшаган
Шу ҳаводан баб-баравар нафас ҳам олса,
Уша киши бу оташдан зарарсиз қолиб,
Идрокини ҳам саломат олиб чиқолур.
Москвадан мен кетаман, ортиқ бу ерлар
Менинг учун сайргоҳнинг макони эмас;
Атрофимга қарамасдан, олдин чопаман,
Жаҳон бўйлаб қидираман бирорта макон,
Токи бир оз ором олсин хўрланган виждон!
Каретамни келтирингиз, каретамни.

Чиқиб кетади.